

Она куён даладан бир канча шолгом териб келиш учун йўлга отланибди.

- Онажон, мен хам сиз билан борсам майлими, сизга ёрдамлашаман, - дебди онасига куёнча.

- Йўк, хозир эмас, куёш ботаётган махалда борсанг, мен кўпгина шолгом йигиб кўйган бўламан. Уларни олиб келишиб кўясан. Хозирча уйда ўтира кол, хўпми, болажоним, - дея жилмайганча куёнчанинг елкасини кокиб кўйибди она куён.

Онаси кетгач, куёнча уйда қолибди ва дарсини тайёрлай бошлабди. Анча вақтлардан кейин, у уй вазифаларини энди тугатай деб турганда эшик очилиб, дўстлари – малла мушукча ва кора улокча кириб келиб қолибди.

- Куёнча, кел бирга ўйнаймиз, - дейишибди улар.

Куёнча рози бўлибди ва улар беркинмачок ўйнай бошлашибди.

Улокча пичан гарами орасига беркиниб олибди, куёнча уни топа олмабди. Малла мушукча эса дарахт устига чикиб, калин барглар орасига яшириниб олибди. Куёнча уни хам топа олмабди.

Куёнча хамма жойни кидирибди, бироқ уларни ҳеч қаердан топа олмабди. – Қаердасизлар, - дея кичкирибди куёнча. Шу пайт у ер устида турган каттакон тошга туртилиб йикилиб тушибди. Бу холни кўриб турган мушукча дархол ёрдамга отилибди. Улокча пичан орасидан шошиб чикиб келибди ва улар куёнчани ўрнидан аста тургазиб кўйишибди.

- Лат емаднгни, - дейишибди улар.

- Хечкиси Йўк, - дебди куёнча.

Шу тарика улар яна шодон кайфиятда ўйнашда давом этибдилар. Бир махал, куёнча юкорига, уфк томонга қарабди ва кичкириб юборибди:

- Вой, худойим, куёш деярли ботиб қолибди-ку!. Мен шошим керак. Онаминг олдига, далага бориб, шолгом олиб келишда онамларга ёрдам беришим керак! Мен хозир кетаман. Онаминг олдиларига бориш вақти бўлибди. Сизлар хам уйга боринглар, - дебди дўстларига.

Лекин малла мушукча ва кора улокча унинг гапига рози бўлишмабди:

- Йўк, биз уйга кетмаймиз. Аксинча далага бориб онанга ёрдамлашамиз.

Шундай қилиб улар далага йўл олишибди. Далага келиб қарасалар, она олмахон аллақачон ишини тугатиб куёнчани кутиб ўтирган экан. Ёрдамчиларни кўриб хурсанд бўлиб кетибди ва шундай дебди:

- Салом, болажонлар. Сизларнинг келганларингдан бошим кўкка етди.

- Куён хола, сизга ёрдам бергани келдик, дейишибди куёнчанинг дўстлари.

Куёнча, малла мушукча ва кора улокча Она куённинг кўлидаги шолгомли саватларни кўтаришда ёрдамлашиб юборишибди. Улар иккита таёкчни олишибди-да, сават дастасидан ўтказибдилар. Саватчалардан бирини она куён билан куёнча, иккинчисини эса мушукча билан улокча кўтариб олибдилар. Шу тарика улар бакириб кўшиқ қуйлаганларича орқага, уйлари томон йўл олишибди.

Уйга етиб келишгач, она куён уларга яна бир бор миннатдорчилик билдирибди:

- Сизларга катта раҳмат, азиз болажонларим.

- Арзимаиди, - дейишибди куёнчанинг дўстлари.

- Келинглар, сизларга ейиш учун ажойиб бир нарса пишириб бераман, дебди она куён. Улар хаммалари она куёнга овқат қилишда ёрдамлашибдилар.

Куёнча челакда сув олиб келибди. Улокча Ўчокка олов ёкибди. Мушукча бўлса козонни ювибди. Овкат пишгач хаммалари маза килиб тамадди килишибди

Тамадди килиб бўлишгач, куёнча идишларни ювишга олиб борибди. Мушукча эса уларни тозалаб ювибди. Улокча столни тозалабди.

- Так! Так! Так! – тўсатдан эшик такиллабди. Эшикни очиб карасалар она мушук билан она эчки болаларини кидириб келишган экан. Куёнча уларни ота-оналарига роса мактабди.

Шундай килиб она куён билан куёнча уларни остонада кўл силкиб кузатиб кўйишибди.

- Эртага кўришгунча хайр! Яхши дам олинглар!

Инглиз тилидан Дилмуод Усмонов таржимаси